

Тазкия 175-дарс. Кибр дарахти экилган шахснинг аломатлари



18:30 / 05.03.2022 6695

Ибн Қудома Мақдисий кибрнинг уч даражаси борлигини айтади:

1. Кибр инсоннинг қалбида қарор топган бўлади. У ўзини бошқалардан афзал деб билади. Аммо у тиришиб, тавозе кўрсатади. Бу одам қалбида кибр дарахти экилган, лекин унинг шохлари кесилган шахсдир.
2. Бир киши ўз ҳаракатлари билан мажлисларда баланд-парвозликни, тенгдошлари ўртасида пешқадамликни ва ўз ҳаққи камситилишига инкорни ошкор қилади. Олим бўлса, одамлардан юз ўгиргандек бўлиб афтини буриштиради. Обид бўлса, худди одамлардан жиркангандек, бурнини жийиради. Бу иккиси ҳам Аллоҳ таоло Ўз Набийсига «Ва сенга эргашган мўминларга қанотингни пастлат», деб берган одобни билмаган

жоҳиллардир.

3. Бир кишининг тили билан даъво қилиб, ўзини мақташ ила фахрланиши, шунингдек, насаби билан мақтаниши ҳам кибрдир.

Кибрнинг турлари қуйидагилар:

1. Аллоҳ таолога кибр қилиш.

Бу энг ёмон кибрдир. Бу ҳолат Фиръавн ва Намруднинг кибрига ўхшаш бўлиб, Аллоҳ таолога банда бўлишдан ўзини олиб қочишдир.

2. Набий алайҳиссаломга кибр қилиш.

Бу ҳолат Макка кофирларига ўхшаб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бўйсуншдан жоҳиллик ва саркашлик ила кибр қилишдан иборатдир.

3. Бандаларга кибр қилиш.

Бу ўзини бошқалардан устун қўйиб, ўзгаларга ҳақорат назари билан қарашдан иборатдир.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди